

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОСИ

**Эсанбай Омонмуратович Бабаев**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби директори*

**Мадинов Нуриддин Хайруллаевич**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби директори ўринбосари*

**Шаробитдинова Хайрихон Салимовна**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби*

*ёшлар билан ишлаш бўйича директори ўринбосари*

**Шухрат Омонмуратович Бабаев**

*Жиззах вилояти Мирзачўл туман касб-ҳунар мактаби*

*ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Аннотация:** *Мавзуда бизнинг келажакимиз бўлган ўқувчи-ёшларни шахсий қадриятларни ўрганиш муаммоси кўтарилган. Чунки ўқувчилик даврида у кўпроқ оила аъзолари даврасида бўлади. Унинг ота-онаси, ака-укаси ва сингиллари билан муносабатлари айни тизимда шаклланади.*

**Таянч Сўзлар:** *Психология, ўқувчи – ёшлар, ижтимоий омиллар, ўқувчилик, қадрият, оила, таълим, тарбия.*

Ҳақимизда **“Таълим ва тарбия-бешиқдан бошланди”**, деган хикматли сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни таррақиётга етаклайди. Шу сабабли мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланган, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида гапириб, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевни шундай дедилар: **“Ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масаладир”**. Психолог олимлар ўқувчиларнинг шахсий қадриятлари шаклланишига қайси ижтимоий омил кўпроқ таъсир кўрсатишини билишга қизиқишган. Бу ерда гап оила ва таълим муассасасининг таъсири тўғрисида бормоқда. Масалан, Америкалик олим, Олпорт ва унинг издошлари шахсий қадриятларнинг шаклланишига таълимнинг кўпроқ таъсир кўрсатишини эътироф этишади. Уларнинг фикрича, оила бола шахсининг шаклланишида катта аҳамиятга эга, лекин таълим таъсири чекланиб, тарбия иши фақат оила зиммасига юкланса, ота-оналарнинг ўзлари ҳам қадриятларсиз камол топади. Уларнинг тарбиявий ишлари самарасиз бўлади. Айниқса, ўсмирлик даврида ўқувчилар кўп нарсаларни билишга қизиқишади, худди ана шу пайтда уларнинг инсонийлик, ҳалоллик, инсоф-диёнат, ор-номус, ҳаё, маъсулият, виждон ва бошқа инсоний сифатлар ҳақида оила аъзолари етарлича тушунча бермаса, таълим муассасаси ҳам бу иш билан шуғулланмаса, у худбин бўлиб вояга етиши ва жамият учун фойдали эмас, аксинча, зарар келтирувчи маънавий номукамал шахс бўлиши мумкин.

Эндиликда, оила институтига муносабат ўзгарди. Нотўлиқ оила ёки ахлоқий меъёрларни яхши билмайдиган ва уларга амал қилмайдиган ота-она ўз фарзанди онгида кадриятлар тўғрисида муносиб тасаввурлар шакллантира олмайди. Демак, шахсий кадриятларни шакллантиришда таълим муассасалари алоҳида ўрин тутди. Шу ўринда олимларнинг “кадрият” тушунчасига муносабатини билиш муҳимдир. Америкаликларнинг фикрича, шахсий кадрият - бу шахс хусусияти билан боғлиқ ҳолда ўзига хос маъно касб этадиган муайян категория. Ўқувчи ўзига маъқул бўлган ва ҳар доим ўзига ёқадиган нарсанинг мазмун-моҳиятини тўла англайди ва уни қабул қилади. Шу маънода, Уайтхеданинг фикрича, **“кадрият билиш категориясига эмас, балки “моҳият, афзаллик” категориясига тааллуқли”**. Агар ўқувчилик даври психологиясига қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, хорижлик олимларнинг фикрича, ўқувчилик даври шахсий кадриятларнинг қанчалик шаклланганлигини намоён этиш ва янги кадриятларнинг маъно-мазмунини англаш давридир.

Ўқувчилик даврининг энг муҳим хусусияти шундаки, ўқувчи усмирлик ва усмирлик даврига қадам ташлаб, бутунлай янги ижтимоий муносабатлар тизимига тушади. Чунки, ўқувчиликкача бўлган даврда, у кўпроқ оила аъзолари даврасида бўлади. Унинг ота-онаси, ака-укалари ёки сингиллари билан муносабатлари айни тизимда шаклланиб бўлган. Успиринлик даврида эса, у бегоналар, лекин қарашлари, нуқтаи назарлари, оиласидагиларникидан кўра ҳам яқинроқ бўлган дўст инсонлар гуруҳига тушиб қолиши мумкин. Бир ўқувчи ўзининг таълим муассасадаги таассуротлари ҳақида шундай ёзади: “Таълим муассасасидаги эркинликдан бошим кўкка етмоқда. Истасанг дам оласан, истасанг кутубхоналарга кириб ўқийсан, интернет тизимига кирасан, хохласанг дўстларинг билан бирга ўйнайсан. Бегона кишилар билан бевосита мулоқотга киришасан. Улар сенинг яқинларингдан бутунлай фарқ қилади. Уларнинг фикрлаши, хис қилиши ҳам ўзгача. Бу мени лол қолдирмоқда...” Бундай мулоҳазалар кўпинча четдан келган ўқувчиларга хос бўлади. Улар ўз оиласидан узоқда ана шундай кайфиятга тушиб қоладилар. Таълим муассасадаги бундай “эркинлик” ҳақида ҳар бир ўқувчи ўзига хос тарзда фикр билдиради, албатта. Лекин ўқиш давомида секин-асталик билан унинг онгида бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ягона кадриятлар тизими ҳақида тушунча шаклланиб боради. Олимларнинг таъкидлашича, ўқишнинг дастлабки даврида айрим ўқувчиларда интеллектуал инкироз ҳам кузатилади. Бу инкирознинг асл сабаби турли қарама-қарши ҳолатлар, номувофиқликлар билан изоҳланади. Чунки, кўпчилик ўқувчилар ўз кундалиқларида ўрта мактабда яхши ўқигани, энг ақлли ва топқир бола бўлганини таъкидлайди. Лекин янги таълим муассасасида негадир иши юришмагандек туюлади. Шу сабабли бўлса керак, айрим ўқувчиларда зеркиш хисси пайдо бўлади, у ўзини ўқув юртига адашиб кириб қолгандек хис этади. Бундай ҳолат ўқишнинг иккинчи босқичи ўқувчиларида ҳам кузатилиши мумкин. Айрим ўқувчилар ҳаттоки ўқишни ташлаб кетади. Учинчи куреда, яъни асосий мутахассислик дарслари бошланганидан кейин бундай психологик “депрессия” ҳолатидан чиқиш кузатилади. Молокостованинг таъкидлашича, ўқишга ижобий мотивация

бўлган ҳолларда ўқувчи иқтисодий мустақил бўлишига, ота-онасига тобе бўлмасликка уриниб кўради. Ўзининг қизиқишларидан келиб чиқиб, кўплаб фаолият турларида ўзини синаб кўради. Умуман, ўқиш фаолиятига нисбатан ижобий мотивацияни шакллантириш масаласи ва бунда барча омилларнинг ролини илмий жиҳатдан ўрганиш муаммоси ижтимоий психологиянинг муҳим масалалари сирасига киради. Масалан, баҳс ва мунозара орқали турли гуруҳлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга эришиш ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ пайдо бўлган. Индивидуал ўқитишдан кўра, гуруҳ шароитида ўқитиш самаралироқ.

Швецариялик олим Жан Пиаже ўқувчининг ижтимоийлашуви масаласини ўрганади. Унинг фикрича, ўқувчи ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда мунозара ва баҳс юритиб, худбинлик хисларидан холи бўлади ва шу тариқа ўз-ўзини анлайди. Шу билан бирга, ўзгалар мавқени ҳам англайди, “ўзга шахс бўла олиш” қобилиятини оширади, бериладиган билим ва кўникмаларни тезроқ қабул қилади. Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тадқиқотчилар эътиборини ҳамиша ўзига жалб этиб келган. Ўқувчиларни билиш фаолияти асосан касб-ҳунар билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга йўналган бўлди.

Шундай қилиб, ўқувчилик фаолиятида билиш ва ўқиш етакчилик қилади. У билим ва маданий қадриятларни фаол ўзлаштиради. Бундан ташқари, айнан ўқувчилик йилларида мулоқот фаолияти, яъни коммуникатив фаолият юқори даражада намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим муассасалари профессор - ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу ўқувчининг фақат билиш фаолиятининг фаол субъекти сифатида шакллантириш эмас, балки мулоқотмандлик фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва режалаштиришга ўргатишдан иборат. Шу боис педагог билан ўқувчининг ўзаро мулоқоти, ўзаро ҳамкорлиги масаласи ижтимоий психологияда муҳим ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, айнан ўқувчида ижтимоий интелектнинг ривожланишида педагог – ўқувчи ўзаро ҳамкорлигининг қанчалик тўғри йўлга қўйилганлиги катта аҳамиятга эга. Зеро, ижтимоий интелектни шакллантиришда педагог шахси ва унинг мулоқот маҳорати муҳим ижтимоий омил сифатида алоҳида ўрин тутаяди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар психологиясини тадқиқ этган олима В.Каримова “фикрлар тўқнашувини тақозо қилувчи мунозарада қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини англаш шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради” деб ёзади. Унинг фикрича, “айниқса, ахлоқий, маънавий мавзулардаги муаммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта... Ахлоқий, маънавий масалалар юзасидан мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қўйилишини таъкидлаш керак. Чунки у шахснинг эркин фикр баён этишига имкон берган ҳолда, улар фикрларнинг тамоман зидлашиб кетишига йўл қўймаслиги, мунозарадан келиб чиқадиган хулосани ва қарорни гуруҳнинг ўзига ҳавола қилиш лозимлигини унутмаслиги зарур”. Бундай илмли асосланган фикрлар ўқувчиларда мустақил креатив фикрлаш жараёнларининг қандай кечишини ўрганишга бағишланган изланишларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, В.Каримова таълим



самарадорлигини оширишга бағишланган тадқиқотларда ижтимоий билимдонликни ошириш омиллари сифатида ўқувчилар гуруҳи, ижтимоий билимдонлик тақомилида профессор – ўқитувчининг маҳорати омилларини алоҳида ўрганган. Бу каби тадқиқотлар айна ўқувчилик даврида ижтимоийлашувининг муҳим йўналишларида, хусусан гендер ўзгаришлар бўлишини тасдиқлайди ва шу билан биргаликда мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёргарликнинг жиддий босқичи амалга ошади. Бунинг оқибатида улароқ, ўқувчи – ёшларда келгусида оиласи моделини танлаш, қандай оила типига ўзини психологик жиҳатдан тайёрлаш ҳақиқатда тушунчалар шаклланади.

Шундай қилиб, айнан ўқувчилик йилларида ёш йигит ва қизлар ўзларининг психологик жинси ва гендер ижтимоийлашуви хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзи учун маъқул оила типини танлайди ҳамда ижтимоий тасаввурларининг муҳим компонентларини шакллантиради. Ўқувчи – ёшларнинг гендер установакалари ва тасаввурлари тизимини ўрганиш алоҳида изланишларни тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон Таррақиёт стратегияси Ўзбекистон Тошкент 2022
2. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017
3. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор таррақий эттириш ва модеренизация қилишнинг энг муҳим шарти. Халқаро конференция материаллари. “Ўзбекистон”, 2012
4. Э.Г.Ғозиев Психология. Тошкент. Ўқитувчи 2010
5. Л.Мўминова. Д.Нуркелдиева. Илм-Зиё 2012
6. Л.Мўминова. Ш.Амирсаидова. З.Джалалова. М.Ҳамидова. Ношр 2016
7. Касб-хунар таълими илмий-услубий журнали З.М. Ҳасанова, СамДу катта ўқитувчиси А.Д.Рустамов, Қўшработ педагогика коллежи директори 2014